

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ
ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ВА НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МУХАМЕДБАЕВ АБДУГАФУР АБДУВАЛИЕВИЧ

**МЕХАНОАКТИВЛАШТИРИЛГАН КЎП КОМПОНЕНТЛИ ИШҚОРЛИ
БОҒЛОВЧИЛАР ВА УЛАР АСОСИДАГИ КЎПИКБЕТОНЛАР**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Мухамедбаев Абдугафур Абдувалиевич

Механоактивлаштирилган кўп компонентли ишқорли боғловчилар
ва улар асосидаги кўпикбетонлар 5

Мухамедбаев Абдугафур Абдувалиевич

Механоактивированные многокомпонентные щелочные вяжущие
и пенобетоны на их основе 21

Mukhamedbaev Abdugafur Abduvalievich

Mechano-activated multicomponent alkaline binders and foam concrete
on their basis..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 44

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ
ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ВА НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МУХАМЕДБАЕВ АБДУГАФУР АБДУВАЛИЕВИЧ

**МЕХАНОАКТИВЛАШТИРИЛГАН КЎП КОМПОНЕНТЛИ ИШҚОРЛИ
БОҒЛОВЧИЛАР ВА УЛАР АСОСИДАГИ КЎПИКБЕТОНЛАР**

05.09.05 – Қурилиш материаллари ва буюмлари

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Т488 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот–таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тўлаганов Абдуқобил Абдунабиевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Искандарова Мастура
техника фанлари доктори, профессор

Цой Владимир Михайлович
техника фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ва Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «18» декабр соат 10⁰⁰ да Архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7в-уй. Тел.: (+99871) 241-10-84, факс:(+99871) 241-80-00, e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atm@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 31 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.:(+99871) 235-43-30; факс:(+99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «3» декабр куни тарқатилди.
(2019 йил «8» ноябрдаги 9 - рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акрамов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси., т.ф.д. профессор

Х.Х. Камилов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н., профессор

С.А. Ходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ёқилғи ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида юзага келаётган муаммолар сабабли замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда энергия самарадорлиги юқори бўлган қурилиш материалларининг улуши тобора ортиб бормоқда. Ривожланган, жумладан АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Япония каби давлатларда энергия самарадорлиги юқори бўлган қурилиш материаллари таркибларини ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқариш орқали турар-жой, жамоат ва саноат бинолари ҳолатини яхшилаш борасида қатор ижобий ютуқларга эришилган бўлиб, бۇ ўринда бино ва иншоотларнинг массасини камайтириш ҳамда уларни иссиқлик самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу сабабдан энергия самарадорлиги юқори бўлган деворбоп материалларни мавжуд маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида ишлаб чиқаришнинг энергия тежамкор технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳонда гранулаланган алюмосиликатли саноат тошқоллари асосида ишқорли боғловчиларнинг физик-механик ва физик-кимёвий хоссалари яхшиланган таркибларини ишлаб чиқишда механик усулда активлаштириш жараёнларига алоҳида эътибор берилмоқда. Саноат тошқолларини механик усулда активлаштириш вақтида турли хил фаол минерал ва кимёвий қўшимчалардан фойдаланган ҳолда модификацияланган боғловчиларнинг оптимал таркибларини ишлаб чиқиш ва улар асосида юқори сифатли қурилиш буюмларини ишлаб чиқариш бўйича қатор ижобий илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада механик усулда активлаштирилган боғловчиларни қўллаган ҳолда деворбоп ғовак бетонларнинг иссиқлик-техник хоссаларини яхшилаш, кўпик ҳосил қилувчи сирт-фаол моддалар иштирокида материалнинг бутун ҳажми бўйича бир текис тарқалган серғовак структурани ҳосил қилиш ва кўпикбетонларнинг зичлигини камайтириш, жумладан уларни ишлаб чиқаришнинг замонавий инновацион технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда мавжудларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу ўринда гранулаланган электротермофосфор (ЭТФ) тошқолини минерал ва кимёвий қўшимчалар иштирокида механик усулда активлаштириш орқали олинадиган модификацияланган ишқорли боғловчиларни оптимал таркибларини топиш ва улар асосидаги кўпикбетонларни ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама самарадор технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда қурилиш материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш тармоғида ишлаб чиқариш ислохотларини чуқурлаштириш ва уларни ривожлантириш, қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари турини ҳамда уларни ишлаб чиқарувчи корхоналар сонини кўпайтириш борасида муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...аҳолини қулай арзон уй-жой билан таъминлаш», «...иқтисодиётда ёқилғи-энергия ва хомашё ресурслари сарфини камайтириш» ва «...қурилиш материалларини ишлаб

чиқарувчи янги корхоналарни куриш»¹ кабилар алоҳида белгилаб берилган. Белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши, хусусан, жамоат, саноат ва уй-жой биноларининг энергия самарадорлигини оширувчи сифатли ғовак курилиш материаллари ва буюмлари билан таъминлаш мақсадида гранулаланган ЭТФ тошқоли, табиий минерал хомашёлар ва замонавий кимёвий кўшимчалардан фойдаланиб, белгиланган хосса ва кўрсаткичларга эга ишқорли боғловчи ва у асосида кўпикбетон буюмларини ишлаб чиқаришнинг самарадор технологияларини ишлаб чиқиш муҳим ва долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2615-сонли «2016-2020 йилларда курилиш индустриясини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сонли «2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар куриш дастури тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли «Курилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг бажарилишига ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Механик усулда активлаштириш борасидаги илмий тадқиқотлар билан М.Л. Моргулис, С.Е. Андреев, В.В. Товаров, В.А. Перов, Р. Гийо, Ю.И. Дешко, М.Б. Креймер, Г.С. Крыхтин, Г.С. Ходаков, П.М. Сиденко, Л.М. Сулименко, А.Ф. Шевченко, М.М. Рыжков, Ю.Р. Кривобородов, Р.Р. Шаратов, Н.Ф. Глухарев, В.П. Кузьмина, Ш.М. Рахимбаев, В.Е. Каушанский, Д.В. Ломаченко, J. Jurgen, P. Fleiger, Y. Reichardt, J. Harder, J. Stark ва бошқалар; ишқорли боғловчиларнинг янги таркибларини ишлаб чиқиш ва улар асосидаги турли хил бетонларнинг хоссаларини яхшилаш борасида Н. Kuhl, А.О. Purdon, В.Д. Глуховский, П.В. Кривенко, Р.Ф. Рунова, Г.В. Румына, О.Н. Петропавловский, J. Davidovits, А. Palomo, В.И. Калашников, Р.З. Рахимов, Н.Р. Рахимова, Б.К. Сарсенбаев, S.D. Wang, P. Duxson, С. Shi, F. Puertas ва бошқалар шуғулланганлар.

Юртимиз олимлари Э.У. Касимов, У.А. Газиев, А.Г. Алиев, А.А. Азимов, А.А. Тулаганов, А.А. Султанов, А.М. Камилов, Х.Х. Камилов, О.Б. Косимов, А.А. Ашрабов, Н.Ф. Бахриев ва бошқалар томонидан ишқорли боғловчилар ва улар асосидаги буюмларнинг янги таркиблари ишлаб чиқилиб, уларнинг физик-механик ва физик-кимёвий хоссалари тадқиқ этилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

Илмий-техник адабиётлар таҳлили турли хил гранулаланган тошқолларни механик усулда активлаштириш, ишқорли боғловчиларнинг янги таркибларини ишлаб чиқиш ва улар асосида буюмлар олиш ҳамда олиниш технологиялари борасида маълум бир даражадаги натижаларга эришилганини кўрсатди. Бироқ, ЭТФ тошқоли ва унинг аралашмаларини механик усулда активлаштириш жараёнлари, майдалик даражаси ва боғловчилар таркибидаги минерал қўшимчанинг миқдорини аниқлаш бўйича тезкор усулларни ишлаб чиқиш, ишқорли боғловчилар асосида кўпикбетонларни олиш масалалари, олиниш технологиялари ва линияларини ишлаб чиқиш етарлича даражада ўрганилмаганлигини кўрсатди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг № Ф-7-44 «Янги органоминерал енгил композицияларни яратишнинг физик-кимёвий асослари ва уларда структура ҳосил бўлишининг қонуниятлари» мавзусидаги (2012-2016 йй.) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Механик усулда активлаштирилган кўп компонентли ишқорли боғловчилар ва улар асосидаги кўпикбетонларни тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гранулаланган ЭТФ тошқолини механик усулда активлаштириш жараёнларига минерал ва кимёвий қўшимчаларнинг таъсири, модификацияланган ишқорли боғловчиларнинг физик-механик хоссалари ва қотиш жараёнида юзага келган ҳосилаларни тадқиқ этиш;

майдалик даражасини ва боғловчининг таркибидаги минерал қўшимчаларнинг миқдорини аниқлаш борасидаги мавжуд усулларни таҳлил этган ҳолда янгиларини ишлаб чиқиш;

кўп компонентли системада механик активлаштириш жараёнларини тажрибани математик режалаштириш усули ёрдамида тадқиқ этган ҳолда улар таркибини оптималлаштириш, қотиш жараёни маҳсулотларини тадқиқ этиш ҳамда кўп компонентли ишқорли боғловчини ишлаб чиқаришни соддалаштирилган технологик линиясини ишлаб чиқиш;

кўпик ҳосил қилувчининг ишқорли муҳитдаги оптимал технологик кўрсаткичларини аниқлаш, уларнинг ишқорли боғловчиларнинг физик-механик хоссаларига таъсири ва тошлардаги структура ҳосил бўлиш жараёнининг ўзига хосликларини тадқиқ этиш;

бир ва кўп компонентли ишқорли боғловчилар асосидаги кўпикбетонларнинг физик-механик, иссиқлик-техник хоссалари, микроғоваклиги ва қотиш жараёни маҳсулотларини тадқиқ этиш ҳамда кўпикбетон ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик линияни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида асосий алюмосиликатли компоненти гранулаланган ЭТФ тошқоли бўлган механик усулда активлаштирилган бир ва кўп компонентли ишқорли боғловчилар асосидаги кўпикбетон буюмлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида механик усулда активлаштириш маҳсулотларининг физикавий кўрсаткичлари, ишқорли боғловчилар ва улар асосидаги кўпикбетонларнинг физик-механик ва физик-кимёвий хоссалари ҳамда техник-иктисодий кўрсаткичлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларни бажаришда замонавий физик-механик ва физик-кимёвий тадқиқот ҳамда тажрибаларни математик режалаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ЭТФ тошқолини механик усулда активлаштириш вақтида фаол минерал ва кимёвий қўшимчалардан фойдаланиш натижасида ишқорли боғловчини физик-механик хоссаларини яхшилашга эришилган;

илк бор заррачалараро бўшлиқ кўрсаткичини аниқлашга асосланган боғловчи материалларни майдалик даражасини ҳамда боғловчини сувдаги суспензиясини рН ва оксидланиш-тикланиш потенциалига асосланган боғловчи таркибидаги минерал қўшимчанинг миқдорини аниқлашнинг янги усуллари ишлаб чиқилган;

таркибида ЭТФ тошқоли, портландцемент клинкери, клинкер куйдиришдаги печ орти чанги ва сода бўлган кўп компонентли ишқорли боғловчининг янги таркиблари ишлаб чиқилган;

кўпик ҳосил қилувчининг ишқорли боғловчининг контрол таркибига нисбатан физик-механик хоссаларига, қотиш жараёнларига ва у асосидаги тошнинг микроструктурасига таъсири аниқланган;

асосий алюмосиликатли компоненти ЭТФ тошқоли бўлган механик активлаштирилган бир ва кўп компонентли ишқорли боғловчилар асосида автоклавсиз усулда кўпикбетонлар олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

грануланган ЭТФ тошқолини минерал ва кимёвий қўшимчалар билан биргаликда шарли тегирмонда механик усулда активлаштириш орқали модификацияланган ишқорли боғловчилар ва улар асосида кўпикбетонлар олиш мумкинлиги кўрсатиб берилган;

боғловчи моддаларнинг майдалик даражасини ва улар таркибидаги минерал қўшимча миқдорини аниқлаш бўйича янги инновацион тезкор (экспресс) усуллари ишлаб чиқилган;

кўп компонентли ишқорли боғловчи ва кўпикбетон ишлаб чиқаришнинг содалаштирилган ҳамда такомиллаштирилган технологик линиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотларни замонавий усул ва воситаларни ҳамда тажрибани математик режалаштириш усуллари кўллаган ҳолда бажарилганлиги, тажриба йўли билан олинган хулосаларнинг назарий асос бўлувчи қонунлар билан мослиги, шунингдек, ишланмаларнинг ишлаб чиқариш шароитларида апробация қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ЭТФ тошқоли ва унинг аралашмаларини механик усулда активлаштириш жараёнларини ўрганишда, қурилиш

материаллари ишлаб чиқариш саноатида ишлатиладиган тадқиқот усулларини келгусидаги ривожига ва ишлаб чиқариш назоратини оширилишига хисса қўшувчи майдалик даражаси ва боғловчилар таркибидаги минерал қўшимчанинг миқдорини аниқлаш усулларининг ишлаб чиқилганлигида ўз аксини топган. Шунингдек, кўп компонентли ишқорли боғловчининг таркиби ва технологик линияларни ишлаб чиқилиши ушбу йўналишларнинг келгусидаги ривожига ижобий таъсир қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларни ишқорли кўпикбетонларни олиш, ишлаб чиқилган назорат қилиш усулини ишлаб чиқаришда сифатни баҳолаш ва олинган натижаларни ишончлилигини оширишда қўшимча кўрсаткич сифатида, кўпикбетонлар ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналарни қуриш ва ташкил этишда, механик усулда активлаштириш ва ишқорли кўпикбетонлар олиш бўйича келгусидаги илмий – тадқиқот ишларида ишлатилиши мумкинлиги билан аҳамиятлидир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Механик усулда активлаштирилган кўп компонентли ишқорли боғловчилар ва улар асосидаги кўпикбетонлар бўйича олинган илмий натижалар асосида:

боғловчининг майдалик даражасини аниқлаш усули «Бекободцемент» АЖда жорий қилинган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2019 йил 24 июлдаги 05/06-1245 – сонли маълумотномаси; «Майдалик даражасини аниқлаш усули» ІАР № 06008, 06.09.2019 й.). Натижада, ишлаб чиқариш шароитларидаги майдалик даражасини аниқлашнинг тезкорлигини ошириш имконини берган;

механик усулда активлаштирилган ишқорли боғловчи асосида кўпикбетонни синов партияси «Бекободцемент» АЖда ишлаб чиқарилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2019 йил 24 июлдаги 05/06-1245 – сонли маълумотномаси). Натижада, амалдаги стандарт талабларига жавоб берувчи маҳсулот олиш имконини берган;

механик усулда активлаштирилган кўп компонентли ишқорли боғловчининг таркибига ҳамда уни ишлаб чиқариш бўйича технологик линияга ЎЗР ИМА нинг ихтиро ва фойдали моделига патентлари олинган («Боғловчи» ІАР № 05647, 28.09.2018 й. ва «Кам клинкерли шлак-ишқорли боғловчини ишлаб чиқариш усули» FAP № 01395, 31.07.2019 й.). Натижада, ишлаб чиқилган таркиб асосида мустаҳкамлиги юқори бўлган боғловчини ва уни ишлаб чиқаришни соддалаштирилган технологик линиясини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда муфассал муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган. Улардан 1 та монография, 10 та илмий мақола, шу жумладан, асосий диссертация натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган 1 та хорижий ва 5 та республика миқёсидаги журналларда,

шунингдек, ЎзР ИМА нинг 3 та ихтиро (IAP № 05647, IAP № 05722 ва IAP № 06008) ва 1 та фойдали модель (FAP № 01395) учун патентлари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 120 бетни ташкил этди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасининг фан, инновациялар ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос эканлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган тажриба натижаларининг илмий-амалий аҳамияти, уларни ишлаб чиқариш амалиётига жорий қилиниши, тадқиқотлар натижалари асосида олинган патентлар ва нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Механик усулда активлаштириш, клинкерсиз ва кам клинкерли ишқорли боғловчилар ҳамда улар асосидаги кўпикбетонлар бўйича тадқиқот ишларининг ҳозирги кундаги аҳволи»** деб номланган биринчи бобида ишқорли боғловчилар ва улар асосида буюмлар олишнинг ривожланиш тарихи ва замонавий илмий-техник адабиётларнинг қисқача таҳлили, механик активлаштириш бўйича илмий йўналишлар ва жараёнлар баён этилган, кўпикбетонларни олиш усуллари, технологиялари ва муаммолари кўрсатиб ўтилган. Илмий-техникавий адабиётларнинг ҳар томонлама таҳлили асосида тадқиқотларнинг ишчи илмий фарази, мақсади ва асосий вазифалари шакллантирилган.

Назарий ҳаволалар қуйидаги, яъни алюмосиликатли компонентни минерал қўшимчалар ва сирт-фаол моддалар билан механик активлаштириш орқали олинган модификацияланган ишқорли боғловчи асосида кўпикбетон олиш, бунда бир томондан боғловчини активлигини оширишга, бошқа томондан оптимал физик-механик хоссаларга эга кўпикбетонлар олиш ва ҳажм бўйича бир текис тарқалган макро ва микроструктура шаклланишига олиб келади деган *ишчи фараз*ни шаклланишига асос бўлди.

Диссертациянинг **«Фойдаланилган хомашё материаллари тавсифи ва тадқиқот усуллари»** номли иккинчи бобида тадқиқот ишларида қўлланилган хомашё материалларинининг физик-кимёвий тавсифлари ҳамда физик-механик ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Физик-кимёвий таҳлил усулларида рентгенографик таҳлил ДРОН-2,0 ва 3,0 дифрактометрларида, дифференциал-термик таҳлил Ф.Паулик-И.Паулик-Л.Эрдей тизимидаги дериватографда, ИҚ-спектроскопик таҳлил РҮЕ ва NiСAМ ҳамда Япониянинг «IRAffinity-1, SHIMADZU» фирмасининг спектрофотометрида, электрон микроскопик таҳлил бир босқичли кулли репликага асосланган ЭМВ-100 БР ва растрли электрон микроскопда (Баухаус университети, Германия), иссиқлик техник хоссалар таҳлили «ИТС-1» ускунасида, микроғоваклик таҳлили Thermo Scientific

фирмасининг «Pascal 240 EVO» русумли симобли порозиметрида ўрганиш орқали бажарилган.

Диссертация ишида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган 2 та янги тадқиқот усуллари ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган. Уларнинг бирига кўра майдалиқ даражасини аниқлашда баҳолаш мезони сифатида заррачалараро бўшлиқ кўрсаткичидан фойдаланиш таклиф этилган. Иккинчи тадқиқот усули эса боғловчи таркибидаги минерал қўшимча (МК) нинг миқдорини аниқлашга оид бўлиб, сув-боғловчи суспензиясининг тиндирилган қисмидан олинган намунанинг рН кўрсаткичини ва оксидланиш-қайтарилиш потенциалини аниқлашга асосланган. Иккала ҳолатда ҳам боғлиқлик графиклари тузилиши кераклиги таъкидланган.

Диссертациянинг «**Модификацияланган механик усулда активлаштирилган ишқорли боғловчиларни олиш жараёни тадқиқи**» номли учинчи боби ЭТФ тошқоли ва унинг аралашмаларини барабанли шарли тегирмондаги механик усулда активлаштирилишига бағишланган. Тегирмоннинг битта бўлинмаси-даги шарлар массаси 55 кг ни ташкил этиб, у $\varphi=0,25$ тўлиш коэффициентига ҳамда $N_{м.т.}=0,25$ кВт майдаловчи жисмлар қувватига тўғри келади. Тадқиқот-лар натижасида ЭТФ тошқоли учун энг кичик талаб қилинадиган солиштира сирт юзасига (≈ 3000 см²/г) 60-70 дақиқадан кам бўлмаган вақтдаги механик усулда активлаштириш орқали эришилиши аниқланган. Майдалиқ даражаси солиштира сирт юзаси ($S_{сол.}$, см²/г), элакдаги қолдиққа (№ 008, %) ва зичланмаган ҳолдаги тўкма зичликка кўра баҳоланган.

МК ва сирт фаол модда (СФМ) ларнинг ЭТФ тошқолини механик активлаштириш жараёнларига ва улар асосида олинган ишқорли боғловчиларнинг физик-механик хоссаларига таъсири тадқиқ этилган (1- ва 2- жадвал). Ишқорли қотиш активатори сифатида натрийнинг дисиликатли (ДСН) $\rho=1,3$ г/см³ зичликдаги эритмасидан фойдаланилди.

1-жадвал

Минерал қўшимчали ишқорли боғловчиларнинг физик-механик кўрсаткичлари

Т/ р	МК тури ва миқдори, %	Туйиш вақти, дақиқа	Тўкма зичлик, г/см ³	Оқлик даражаси, %	Солиштира сирт юзаси, см ² /г	Сиқилишдаги муштаҳкамлик, МПа		Намуналарнинг зичлиги, г/см ³
						Буғла- тилган	28 сутка (буғла- тилган)	
1	–	60	1,080	45,8	2972	77,25	94,25	2,12
2	ККПОЧ -10		1,038	50,2	4067	97,50	95,33	2,15
3	ПЦК - 5		1,068	46,5	3036	98,66	89,16	2,11
4	ПЦК-10		1,065	46,0	3117	110,08	92,16	2,21
5	Туффит - 20		0,940	50,0	5787	27,25	38,68	2,12
6	Глиеж - 20		0,957	45,2	5080	62,08	70,37	2,17

Изоҳ: ККПОЧ – клинкерни куйдиришдаги печ орти чанглари; ПЦК – портландцемент клинкери; Буғлатиш режими (2+6+2 соат).

Олинган натижалар (1-жадвал) ЭТФ тошқолини МК билан қисман алмаштирилганда, бир хил вақт ичида механик усулда активлаштирилган

аралашма тўкма зичлигининг пасайиши ва солиштирма сирт юзасининг ортиши содир бўлишини кўрсатди. Туйилган кукунларнинг оқлик даражаси МК тури ва миқдориға қараб ўзгариши аниқланди. Мустаҳкамлик кўрсаткичларига кўра портландцемент клинкери (ПЦК) бор таркиблар энг юқори натижаларға эға бўлишиға қарамай, бу ҳолда массанинг тез тишлашиши кузатилди. Ҳар томонлама қилинган таҳлил натижаси клинкерни куйдириш печ орти чанглари (ККПОЧ) қўшилган таркиб энг мақбул ечим эканлигини кўрсатди.

СФМ иштирокидаги тадқиқот натижалари (2-жадвал) ЭТФ тошқолининг солиштирма сирт юзасининг ошмаганлигини ва кўпик ҳосил қилувчи моддадан ташқари барча суперластикаторлар мустаҳкамлик кўрсаткичларига ижобий таъсир этишини яққол намоён этди. Шунингдек, кўпик ҳосил қилувчи модда намунанинг зичлигини камайтириши ҳам кузатилди. СФМ ишлатилганда тўкма зичликнинг юқорилаб кетишини кимёвий қўшимчаларнинг ЭТФ тошқоли заррачаларининг бир-бириға ёпиштириши ҳолати билан изоҳлаш мумкин. ЭТФ тошқолининг оқлик даражаси шарли тегирмондаги механик активлаштириш жараёни давомийлигининг ортиб бориши билан ошиши кузатилди. ЭТФ тошқоли ва унинг аралашмалари оқлик даражасининг таҳлили, ушбу кўрсаткич орқали ЭТФ боғловчиси таркибидаги қўшимчанинг миқдорини аниқлаш имконияти мавжудлигини кўрсатди.

2-жадвал

СФМ билан модификацияланган ишқорли боғловчиларни физик-механик кўрсаткичлари

Т/р	СФМ тури ва миқдори, %	Туйиш вақти, дақиқа	Тўкма зичлик, г/см ³	Оқлик даражаси, %	Солиштирма сирт юзаси, см ² /г	Сиқилишдаги мустаҳкамлик, МПа		Намуналарнинг зичлиги, г/см ³
						Буғлатилган	28 сутка (буғлатилган)	
1	–	60	1,080	45,8	2972	77,25	94,25	2,12
2	Glenium 51–0,3		1,185	43,1	2787	98,16	119,75	2,18
3	Glenium150–0,3		1,140	43,2	2891	85,83	112,33	2,21
4	ПБ-Люкс-0,3		1,190	43,6	2852	49,83	57,75	1,83
5	JK.02 – 1,0		1,125	47,6	2784	94,91	103,00	2,07
6	Лахта –1,0		1,100	47,4	2884	104,08	85,83	2,14

Изоҳ: Glenium 51 ва Glenium150 – суюқ ҳолдаги суперпластикаторлар; JK.02 ва Лахта КМД PRO – курук ҳолдаги суперпластикаторлар; ПБ-Люкс – суюқ ҳолдаги кўпик ҳосил қилувчи СФМ; Буғлатиш режими - (2+6+2 соат).

Кўп компонентли боғловчи (ККБ) ни механик усулда активлаштириш жараёнини тадқиқ этиш ва уни баҳолаш имкониятини ўрганиш мақсадида 3 омилли тажриба режаси тузилди. Бунинг учун 2-тартибли ротатабелли усулдан фойдаланилди. Жараёнға таъсир қилувчи 1- ва 2-омиллар сифатида ПЦК ва ККПОЧ нинг массавий миқдори ва 3-омил сифатида механик активлаштириш давомийлиги танлаб олинди. Компонентларнинг миқдори қуйидаги ораликларда олинди (%): ПЦК 0-25,00; ККПОЧ 0-15,00; ЭТФ тошқоли – қолгани. Режалаштирилган матрицадаги тажриба сони 20 та қилиб

белгиланган. Юлдузчали елкалар катталиги 1,682 ва $n = 6$ га тенг. Тадқиқот натижалари ЭТФ тошқолининг туйилиш даражасига механик активлаштириш вақтидан ташқари ПЦК ва ККПОЧ нинг миқдори ҳам таъсири қилишини кўрсатди. ККПОЧ миқдорининг ортиши ЭТФ тошқоли механик активлаштириш жараёнининг секинлашишига ва материални тегирмон деворлари ҳамда шарлари юзасига ёпишишига олиб келишини кўрсатди. ККБ ни механик усулда активлаштиришдан олинган натижалар асосида қуйидаги регрессия тенгликлари олинди:


- зичлаштирилмаган ҳолатдаги тўкма зичлик учун (ρ_0 , г/см³):

$$Y_{\rho_0} = 1,0281 + 0,0069X_1 - 0,0199X_2 - 0,0447X_3 + 0,0061X_1X_2 + 0,0051X_1X_3 + 0,0119X_2X_3 + 0,0052X_1^2 + 0,0109X_2^2 + 0,0133X_3^2 \quad (1)$$

- № 008 элакдаги қолдиқ учун (%):

$$Y_{\text{қол}} = 3,229 + 0,0745X_1 - 1,617X_2 - 3,664X_3 - 0,0225X_1X_2 + 0,035X_1X_3 + 0,0225X_2X_3 + 0,368X_1^2 + 1,1615X_2^2 + 1,8402X_3^2 \quad (2)$$

ККБ ни механик активлаштириш давомийлиги ортиши билан унинг зичлаштирилмаган ҳолатдаги тўкма зичлигининг пасайиши аниқланди. Ушбу ҳолатни таркиби бир хил ва механик активлаштириш давомийлиги узайиб борган ҳолатда яққол кўришимиз мумкин (1-расм).




1-расм. ККБ ни № 008 элакдаги қолдиқ ва механик активлаштириш вақтига кўра тўкма зичлигини ўзгариш боғлиқлиги (%):
ПЦК-12,5; ККПОЧ-7,5;
ЭТФ тошқоли-80,0

Тадқиқотлар вақтида олинган баъзи таркиблар натижалари қуйида келтириб ўтилган (3-жадвал). № 008 элакдаги қолдиқ миқдори 15% дан ортиқ ҳамда солиштирма сирт юзаси 3000 см²/г дан кам бўлганлиги сабабли шарли тегирмонда 30 дақиқалик механик активлаштириш жараёни етарли эмаслиги аниқланди (таркиб № 5). Уч хил шароитда қотган намуналарнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари таҳлили тадқиқ этилган таркибларга иссиқлик ва намликнинг биргаликдаги таъсири ижобий эканлигини, яъни иссиқлик-намлик ишловининг табиий ва сувли муҳитга нисбатан устун эканлигини кўрсатди. Сувнинг ўрнига қориш суюқлиги сифатида Na₂CO₃ нинг $\rho = 1,050$ г/см³ эритмаси ишлатилганда, намуналарнинг сувга чидамлиги ортиб, намуналар ҳеч қандай бузилиш ҳолати юзага келмаслиги маълум бўлди (№ 3-5 таркибларга қаранг). ККБ нинг Na₂CO₃ асосидаги таркибига ЎзР ИМА нинг ихтиро учун патенти олинган (IAP № 05647). Шунингдек, ушбу кўп компонентли ишқорли боғловчини ишлаб чиқариш бўйича технологик линия ишлаб чиқилиб (2-расм), унга 2019 йил ЎзР ИМА нинг фойдали модель учун патенти олинган (FAP № 01395).

Кўп компонентли боғловчининг физик-механик кўрсаткичлари

Т /р	Комп. нисбати, %			Туйиш вақти, дақиқа	№ 008 элак қолдик, %	Солиштирма сирт юзаси, см ² /Г	Сиқилишдаги мустаҳкамлик (МПа), қориш суюқлигининг тури					
	ЭТФ	ПШҚ	ККПОЧ				Сув			Na ₂ CO ₃ (ρ=1,050 г/см ³)		
							ТМ, 28 сут	БМ	СМ, 28 сут	ТМ, 28 сут	БМ	СМ, 28 сут
1	68	20	12	78	6,70	3420	18,0	29,0	28,1	25,2	22,8	28,4
2	77	20	3	78	2,52	3380	15,7	21,3	37,3	25,9	33,6	33,3
3	83	5	12	78	2,32	3520	17,9	31,2	буз-н	22,7	19,3	13,7
4	92	5	3	78	5,87	3900	11,9	21,7	буз-н	23,5	24,8	8,9
5	80	12,5	7,5	30	17,98	2440	28,8	17,9	буз-н	28,0	13,9	17,4
6	80	12,5	7,5	60	4,80	3450	24,6	28,9	23,4	29,5	22,7	25,6
7	80	12,5	7,5	90	2,83	4100	25,2	28,6	30,4	27,7	24,2	25,7

Изоҳ: ТМ – табиий муҳитда сақланган; СМ – сувда сақланган; Na₂CO₃ – техник кальцийланган соданинг ишқорли эритмаси; БМ – буғли муҳит (2+6+2 соат).




2-расм. Кўп компонентли ишқорли боғловчини ишлаб чиқариш бўйича технологик линия:

- 1- хомашёни қабул қилиш бўлими;
2,4,5,6,12,16,17 ва 18-транспортирловчи қурилмалар; 3-майдалаш ускунаси; 7-10,19- силослар; 11- дозаторлар; 13- таъминлагич бункери; 14- винтли таъминлагич; 15- шарли тегирмон.

Диссертациянинг «Механик усулда активлаштирилган ишқорли боғловчилар асосидаги кўпикбетонлар» номли тўртинчи бобида СФМ ларнинг кўпик ҳосил қилиш хоссалари, кўпик ҳосил қилувчи (СФМ) ларнинг ишқорли боғловчилар физик-механик хоссаларига ва структура ҳосил қилишига таъсири, ишқорли боғловчилар асосида кўпикбетонларни олиш, кўпикбетонларнинг иссиқлик-техник хоссалари, микроҶоваклиги ва ҳоказолар ўрганилган. Шунингдек, ишқорли боғловчи асосида автоклавсиз кўпикбетон ишлаб чиқаришнинг технологик линияси ишлаб чиқилган. Кўпик ҳосил қилиш хоссалари (ҳажм ўзгариши, кўпикнинг зичлиги, аэрацион потенциал) «ПБ-2000» ва «Ареком-4» лар учун сувда ва натрийли дисиликат (ДСН, ρ=1,3 г/см³) да ўрганилган. Маълум бўлишича, «ПБ-2000» ишлатилганда кўпиртириш муҳитидан қатъий назар «Ареком-4» дагига нисбатан ҳажми бўйича бир текис ва майда Ҷовакли кўпик олиш мумкинлиги аниқланди. Шунингдек, кўпик ҳосил қилиш хоссаларига СФМ нинг миқдоридан ташқари кўпиртириш вақти ҳам таъсир қилиши маълум бўлди. «ПБ-2000» нинг ДСН да кўпиртирилган ҳажм ўзгариши 3-расмда келтирилган.

Кўпик ҳосил қилувчиларни ишқорли боғловчининг мустаҳкамлиги ва у асосдаги тошнинг зичлигига таъсирини ўрганиш мақсадида 4 хил СФМ дан фойдаланилди (4-жадвал). СФМ ни ЭТФ массасидан 0,75 % миқдорда қориштириш суюқлиги ДСН (ρ=1,3 г/см³) га қўшган ҳолда қоришмалар тайёрланган. Олинган натижалар, СФМ лар ишқорли боғловчининг сиқилишдаги мустаҳ-

камлигига салбий таъсир қилишини, шунингдек, контрол таркибига нисбатан тошлар зичлигининг пасайишига олиб келишини кўрсатди.



3-расм. «ПБ-2000» нинг миқдори ва кўпиртириш вақтига кўра ҳосил бўладиган кўпик ҳажмини ўзгариши (ДСН, $\rho=1,3$ г/см³)

4-жадвал

Кўпик ҳосил қилувчиларни ишқорли боғловчи асосидаги тошнинг физик-механик хоссаларига таъсири

Т/р	СФМ тури	Сиқилишдаги мустаҳкамлик, МПа		Зичлик, г/см ³
		7 сут	28 сут	
1	Ареком-4	26,50	33,87	1,80
2	ПБ-2000	19,25	19,12	1,65
3	ПБ-Люкс	17,75	16,75	1,56
4	Сетора	38,25	39,12	2,01
5	-	33,12	60,75	2,23

Изоҳ: намуналар табиий муҳитда сақланган.

Кўшимча тарзда ўтказилган тажрибаларда 2 хил муҳит (табиий ва нам муҳит) да сақланган намуналарни синаш натижалари ҳам худди шундай қонуниятларни кўрсатди.

Микроскопик таҳлил натижалари ҳар бир кўпик ҳосил қилувчи ишқорли боғловчи асосидаги тошларнинг микроструктурасига ўзига хос таъсир қилишини кўрсатди. Рентгенографик таҳлил ЭТФ тошқоли ҳамда ДСН эритмаси аморф структурага эга бўлганлиги сабабли рентгенограмма майда пиклардан иборат бўлиб, кальций гидросиликатларнинг паст асосли бирикмалари $CSH(I)$ ва $Si-O-Na$ ҳосил бўлганлигини кўрсатди. Олинган натижалар дифференциал-термик ва ИҚ – спектроскопия таҳлиллари билан ўз тасдиғини топди.

Худди шу каби тадқиқот ишлари кўп компонентли ишқорли боғловчида ҳам бажарилган бўлиб, ушбу ҳолатда ҳам кўпик ҳосил қилувчининг мустаҳкамликка ва зичликка юқоридаги каби таъсир этиши аниқланган. Ушбу тажриба ишларида қориштириш суюқлиги сифатида Na_2CO_3 ($\rho=1,050$ г/см³) дан ва кўпик ҳосил қилувчи сифатида «ПБ-2000» ҳамда «Ареком-4» дан фойдаланилган. Ушбу ҳолатда, рентгенограммаларда ККПОЧ ($CaCO_3=0,304$ нм) га ва ПЦК минераллари ($C_3S=0,275$; $0,162$ нм; $C_2S=0,287$; $0,275$ нм; $C_4AF=0,192$ нм) га таъалукли чизиклар мавжудлиги аниқланди. Аммо, ассосий массанинг аморфлиги ҳамда ПЦК ва ККПОЧ минераллари чизикларининг бир-бирининг устига тушиб қолиши туфайли ҳар бир минерални алоҳида ажратиб олиш имконияти йўқлиги маълум бўлди.

Ишқорли боғловчи асосида автоклавсиз кўпикбетон олиш бўйича тажриба ишларида ЭТФ тошқоли асосидаги бир компонентли ва ККБ лар

ишлатилиб, барча ҳолатда ҳам кўпик ҳосил қилувчи сифатида «ПБ-2000» дан фойдаланилди. ККБ нинг таркиби (%): ПЦК-12,5; ККПОЧ-7,5; ЭТФ тошқоли-80,0. Кўпик олишда кўпиртириш суюқлиги сифатида ДСН ($\rho=1,3 \text{ г/см}^3$) фойдаланилди. Бир компонентли ишқорли боғловчи аралашмасини тайёрлашда ДСН дан, ККБ ни қоришда эса NaOH ва Na₂CO₃ ларнинг эритмалари ишлатилди. Намуналар қотиш жараёнлари 2 хил: иссиқлик-намлик ишловида (буғлатиш) ва нормал нам муҳитда 28 суткага қадар олиб борилган. Иссиқлик-намлик ишлови 80-95 °С да буғлатиш камерасида 2+6+2 соат режимида олиб борилган. Намуналарнинг физик-механик хоссалари 5-жадвалда кўрсатилган. Натижалар таҳлили кўпикбетоннинг мустаҳкамлик кўрсаткичларига буғлатиш, яъни иссиқлик ва намликнинг биргаликдаги ижобий таъсирини кўрсатди.


5-жадвал

Механик усулда активлаштирилган ишқорли боғловчилар асосидаги кўпикбетонларнинг физик-механик хоссалари

Т/р	Номланиши	Буғлатилган			28 сутка		
		R _{сик} , МПа	ρ , кг/м ³	W, %	R _{сик} , МПа	ρ , кг/м ³	W, %
1	ИБ	2,04-4,19	671,5-822,9	20,78-26,79	2,15-4,62	717,2-860,2	15,97-22,08
2	ИБ (қум билан)	1,76-2,16	755,2-887,0	15,27-17,09	2,12-2,22	791,2-878,9	15,60-16,79
3	ККИБ (NaOH)	1,48-2,20	598,7-699,8	23,43-29,50	1,43-1,52	601,3-622,8	21,19-28,51
4	ККИБ (Na ₂ CO ₃)	0,82-0,90	526,9-532,4	27,15-28,54	0,75-0,88	558,2-562,1	21,57-23,12

Изоҳ: ИБ – бир компонентли ишқорли боғловчи; ККИБ – кўп компонентли ишқорли боғловчи; R_{сик} – сиқилишдаги мустаҳкамлик; ρ – қуруқ ҳолатдаги намуналарнинг зичлиги; W – намуналарнинг намлиги; Буғлатилган намуналар (2+6+2 соат).

Ишқорли боғловчи асосида олинган кўпикбетонларнинг макроструктураси қуйида келтирилган (4-расм). Тўлдирувчи сифатида қум ($M_k=1,2$) ишлатилганда нисбатан йирик ғовак макроструктурали кўпикбетон ҳосил бўлиши кузатилди. Қум заррачалари ғовак деворларида бир-бирини устига устма-уст жойлашган ҳолда деформацион чўкиш ва ғовакларнинг бузилишига қаршилик қилувчи скелет ҳосил қилиши маълум бўлди.




4-расм.
Ишқорли боғловчи асосидаги кўпикбетонлар макроструктураси:
а) қумсиз; б) қумли

Кўп компонентли ишқорли боғловчи асосидаги кўпикбетонларнинг макроструктурасида жуда катта фарқлар кузатилмади (5-расм).


Бир компонентли ишқорли боғловчи асосидаги кўпикбетонларнинг қумли ва қумсиз таркибларининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти $\lambda=0,17-0,18 \text{ Вт/м}\cdot\text{К}$ (нам ҳолатда) ва $\lambda=0,11-0,12 \text{ Вт/м}\cdot\text{К}$ (қуруқ ҳолатда) ҳамда

термик қаршилиги $R=0,11-0,17 \text{ м}^2 \cdot \text{К}/\text{Вт}$ ни ташкил этиши аниқланди. Кўп компонентли ишқорли боғловчи асосидаги кўпикбетонларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентлари $\lambda=0,10-0,12 \text{ Вт}/\text{м} \cdot \text{К}$ (нам ҳолатда) ва $\lambda=0,07-0,08 \text{ Вт}/\text{м} \cdot \text{К}$ (қуруқ ҳолатда), шунингдек, термик қаршилиги $R=0,15-0,24 \text{ м}^2 \cdot \text{К}/\text{Вт}$ ни ташкил этди.



5-расм.
Кўп компонентли ишқорли боғловчи асосидаги кўпикбетонлар макроструктураси ($\rho=1,150 \text{ г}/\text{см}^3$):
а) NaOH б) Na_2CO_3


Симобли порозиметрия усулида бир компонентли ишқорли боғловчи (қумсиз ва қумли) асосидаги кўпикбетонларнинг микрофоваклиги ўрганилганда намуналарнинг умумий микрофоваклиги 30,31 ва 46,52%, шунингдек, микрофовакларнинг ўртача диаметри 0,0644 ва 0,0406 мкм эканлиги аниқланди (6-расм, а ва б). NaOH ва Na_2CO_3 ишқорларининг $\rho=1,150 \text{ г}/\text{см}^3$ зичликдаги эритмаларига қорилган ККБ асосидаги кўпикбетон намуналарининг умумий микрофоваклиги 40,43 ва 33,60% ни ҳамда микрофовакларнинг ўртача диаметри 0,0676 ва 0,0600 мкм ни ташкил этди (6-расм, в ва г).



6-расм. Симобли порозиметрда аниқланган микрофоваклик гистограммалари:
а-ишқорли боғловчи асосидаги кўпикбетон (қумсиз); б-ишқорли боғловчи асосидаги кўпикбетон (қумли); в-кўп компонентли ишқорли боғловчи асосидаги кўпикбетон (NaOH); г- кўп компонентли ишқорли боғловчи асосидаги кўпикбетон (Na_2CO_3).

Зичлиги $650-900 \text{ кг}/\text{м}^3$ бўлган ишқорли боғловчи асосидаги (қумсиз ва қумли) кўпикбетонларнинг умумий ҳажмий фоваклиги сув шимувчанлик кўрсаткичига кўра 45,51-54,33% атрофида бўлиши аниқланди. NaOH ва Na_2CO_3 ($\rho=1,050$ ва $1,150 \text{ г}/\text{см}^3$) эритмалари ишлатилган кўп компонентли ишқорли боғловчи асосидаги зичлиги $500-750 \text{ кг}/\text{м}^3$ бўлган кўпикбетонларда ушбу кўрсаткичлар 52,30-62,33 ва 55,58-65,82% ни ташкил этди.

Тадқиқотлар натижасида ишқорли боғловчи асосида кўпикбетон ишлаб чиқариш бўйича технологик линия ишлаб чиқилган бўлиб (7-расм), унга ЎзР ИМА нинг фойдали модел учун патентини олиш мақсадида талабнома топширилган (FAP 20180012). Бошқа хилдаги хоссаларга эга кўпикбетонлар олиш лозим бўлганида тошқол, тўлдирувчи, кўпик ҳосил қилувчи турини ва ишчи ишқор эритмасининг силикат модулини ўзгартириш мумкин.



